


**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази
ахборот-библиография бўлими**



**Абу Бакр Муҳаммад ибн
Закариё ар-Розий
(865 – 925)**

“Табиб ва мутафаккир” номли

Тавсиявий рўйхат

Фарғона 2020

Закариё ар-Розий

(865 – 925)

Шарқнинг қомусий олими, табиб ва мутафаккири Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865 йилнинг 28 августида Рай шаҳрида туғилиб, у фалсафа, тиббиёт, кимё, минералогия соҳасида ўз даврининг энг йирик олимларидан бири даражасига етишди. Ва ўз она юртида 925 йилнинг 26 октябрида вафот этди. Ўрта асрда Европада лотинча Разес номи билан танилиб, табобат соҳасида ўз даврининг Жолинус (Гален)и деб саналган. Шунингдек, кимё, ботаника, математика, астрономия, мантиқ ва фалсафа каби фанларни чуқур ўрганган. Адабиёт ва мусиқа билан шуғулланган. Розий бир қанча вақт Рай ва Бағдод шифохоналарини бошқарган. У Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро илм аҳллари билан илмий мулоқотда бўлган. Кўз касаллигига учраб, умрининг охирида кўр бўлиб қолган.

Розийнинг табобатга оид асарларидан 36 таси бизгача етиб келган. У терапия, хирургия, диагностика, санитария-гигиена, фармакогнозия, фармакология, анатомия, психология каби илмларни янги ғоя ва ихтиролар билан бойитган. Табобат билан боғлиқ бўлган ботаника, минералогия ва кимё фани соҳасида ҳам анча муваффақиятларга эришган. Розийнинг энг муҳим асарларидан бири “Китоб ал-ҳовий фиттиб” (“Тиббиётга оид билимлар мажмуаси”) номли тўпламидир. Унда антик даврдан то Розий замонасигача бўлган назарий ва амалий маълумотлар берилган. Розийнинг табобатга оид яна бир йирик асари “ал-Куннош ал-Мансурий” (“Мансурга бағишланган тўплам”) дир. Бу ҳам жуда кўп назарий ва амалий масалаларни ўз ичига олган (қўлёзма нусхалари Россия Фанлар Академияси шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург фондида, шунингдек Париж ва Техрон кутубхоналарида сақланмоқда).

Розий машҳур кимёгар бўлиб, кимё фанига оид 26 та асар ёзган, бироқ бизгача уларнинг 4 тасигина етиб келган. Булар орасида “Китоб ул-асрор” (“Сирлар китоби”) ва “Китоб сирр ил-асрор” (Сирлар сири китоби”) асарлари алоҳида ўрин тутди.

Розийнинг тиббиёт ва кимё соҳаларига оид асарлари ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда шу соҳаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Розий ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафасида мавжуд бўлган таълимотларнинг бирортасига боғлиқ бўлмаган ҳолда борлиқ ва унинг моҳияти ҳақида ўз мустақил таълимотини яратди. Унингча, борлиқ – ягона бир-бирига бўйсунмаган 5 мустақил бошланғич моҳият (яратувчи, жон, вақт, макон, материя)дан вужудга келган. Буларнинг ҳар бири борлиқнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлиб қолишида “зарурий вужуд”лардир. Розий материя, макон, замонни яратувчи ва жон билан бир хил зарурий моҳият деб ҳисоблаб, моддийликни илоҳийликка, илоҳийликни моддийликка бўйсундирмади. У ўз даврининг йирик табиатшуноси сифатида моддий олам ҳодисалари ва

жараёнларини материя ва унинг хусусиятлари билан изоҳлашга ҳаракат қилди, ўз натурфалсафий қарашларида маълум даражада илмий нуқтаи назарга яқинлашди. Ўрта аср фалсафаси учун эришган энг катта ютуқларидан бири – Розийнинг нарсалар моддий атом зарралардан тузилгани ҳақидаги таълимотидир. У Демокрит ва Эпикур атамистик таълимотини ўрта асрларда биринчи марта қайта тиклади. Унингча материя дастлаб “бўлинмас зарралар (атом) ҳолатида бўлади”, улар “оғирлик ва танага эга”, “моддий зарраларнинг бўшлиқ зарралари билан қўшилиши” натижасида 4 унсур; тупроқ, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади. Атомларнинг моддийлиги, абадийлиги ва объективлиги улардан вужудга келган моддий олам ҳам объектив ва абадийдир. Розий зарраларнинг ўз-ўзидан ҳаракати масаласини тушунмади ва муайян нарсаларнинг вужудга келиш жараёни асосида материя ётса ҳам, бу жараён жоннинг материяга интилишини ва у билан бирикиши туфайли юз бериши ҳақидаги дуалистик нуқтаи назарда туради.

Розийнинг ахлоққа оид 3 асари “Китоб тибб ар-руҳоний” (“Рухий табобат”), “Китоб сийрат ал-фалсафийа” (“Фалсафий ҳаёт тарзи”), “Мақола фи аморот ил-икбол ва-д-давла” (“Давлатмандлик бахт –икбол ҳақида”) бизгача етиб келган. Розий Сукротни ахлоқ соҳасида ўзининг ва барча файласуфларнинг устози деб ҳисоблайди. Лекин, унинг табиий-илмий мероси ва фалсафий қарашлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маънавий меросида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Розийнинг илмий меросини биринчи марта ўрганган олим Абу Райхон Берунийдир. Беруний Розийнинг таржимаи ҳоли, дунёқараши ва асарларини тадқиқ этиб, “Феҳрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий” (“Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий китобларининг рўйхати”) асарини ёзган. Розийнинг асосий асарлари ўрта асрлардаёқ Ғарбий Европада машҳур бўлган, баъзилари лотин ва бошқа Европа тилларига таржима қилиниб, кенг ўрганилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий китоблари

Ўзбек тилида

1974

1. Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1974. – 334 б.

1993

2. Муҳаммад Закариё. Фазоилул аъмол: Ислом амалларининг фазилатлари / М. Закариё; Муҳарр. Ш. Соатова. – Тошкент: Чўлпон, 1993 (Китоб-журнал фабрикаси). – 80 б.

Журналлар:

2015

1. Ибрагимов, Ф. Абу Бакр ар-Розий: / Ф. Ибрагимов // Сихат-саломатлик. – 2015. – № 1.

2017

2. Муҳиддинов, Ҳ. Абу Бакр Розийнинг ҳаёти ва илмий мероси: / Ҳ. Муҳиддинов // Имом Бухорий сабоқлари. – 2017. – № 1.

Тузувчи: Д. Қодирова